



20<sup>20</sup> у « 9 » октябр

№ Қ-1553

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Вилоят ҳокимининг 2020 йил 9 октябрдаги “Вилоятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қ-562-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида**

Вилоят ҳокимининг 2020 йил 9 октябрдаги “Вилоятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қ-562-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, туманда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 9 октябрдаги “Вилоятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қ-562-сонли қарори маълумот ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари жамоатчилик асосида **туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси** сифатида тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига кўра ҳоким ўринбосари мақомига тенглаштирилсин.

3. Туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг янгиланган тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (М.Култаев), тумани молия бўлими (Ш.Поянов), туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (А.Холмирзаев)лар ҳоким маслаҳатчисига ҳокимлик маъмурий биносидан алоҳида хизмат хонаси ажратиш, ишлаш учун барча зарурий шароитлар (*замонавий оргтехника воситалари*) яратиш ҳамда хизмат машинаси билан таъминлаш бўйича зарурий чораларни кўрсин.



Шунингдек, маслаҳатчининг хизмат машинасини ёқилғиси, техник таъминоти ҳамда маслаҳатчига техник ходим-котиб ва ҳайдовчи штатларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган маблағларни ҳисобга олган ҳолда харажатлар сметасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши белгилаб қўйилсин.

Белгилаб қўйилсинки, маслаҳатчининг хизмат машинаси ҳокимлик балансида сақланади.

5. Туман ҳокимининг ўринбосари - маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (З.Хидирова), туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари в.б (Ё.Менглибаев)га туман ҳокимлик соатида ушбу маслаҳатчининг бевосита иштирок этиши ҳамда ҳокимлик йиғилишларида ҳар ойда камида бир мартаба хотин-қизлар масалалари билан боғлиқ муаммо ва таклифларини муҳокама этиб бориш тизими йўлга қўйилсин.

6. Туман ҳокимининг 2017 йил 01 декабрдаги Қ-1939-сонли қарорининг иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Халқ депутатлари туман Кенгашида туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи томонидан “Хотин-қизлар дафтари” бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлари эшитиб борилсин;

маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари ҳамда оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассислари туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлансин ва маслаҳатчи томонидан уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Култаев ва туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари в.б. Ё.Менглибаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров

